

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ИЙГИМ-ТЕРИМГА ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ ПУХТА ТАЙЁРЛАНАМИЗ



Суратда: (чапдан ўнгга) колхоз беш агрономи Шомил Кибаров, колхоз раиси Исмомил Шубладзе ва беш инженер Мидрад Муртабоев ўртоқлар пахта далаларини кўздан кечиришмоқдалар.

ДЕХҚОН экиннинг кун сапашини яхши билади. Агар бу ганининг мағзини чақадиган бўлса, шу нарса кўзга яққол ташланадики, моҳир пахтакор ғўза неча қандай эди, бултур худди шу кунда ҳосил олиши қай даражада бўлган, бугунги кўриниши нима талаб қилаётган, дарров пайқаб олади.

Энди биз ўзининг беш пахтакорларини, дейишга ҳаққимиз йўқ. Ўтган йилдан ошди, ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, она-сина-гилларимиз шу касб билан шугулланиб келаятилар. Техника етишмаган, одам кучи кам, минерал ўғит оё тақсимланганидан йилларда ҳам чигит экиб пахта ўстираганимиз. Очингити айтиш керак, у вақтларда меҳнат шарафоти янчагина машаққатли эди. Ишнинг кўп қисми қўлда бажариладди. Турниш-турмушимиз ҳам бир тарзи бўлганлиги сабабли, одамларнинг норма бажариши кўнгилдагидек бўлмади. Аммо, матонатли кишиларимиз, эртаги кунларни янада яхши бўлишини ҳис этишар, шунинг учун ҳам ишонч билан меҳнат қилишарди.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати Улуғ Ватан уруши йилларида, урушдан кейин жароҳатли тузатиш йилларида деҳқонларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб турдилар. Ўзоқ муддатли кредитлар берилди, машина, минерал ўғит, ҳар қил қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш тобора яхшилана борди.

Ҳозирги пайтда совет деҳқони шундай кучга эга бўлдики, энди у қўлини қаёққа чўзса етади. Мен бунинг ўз қолқонимиз мисолида таққин қилиб бермоқчиман.

БИЗИНИНГ хўжалик ағаллаган майдоли жинхатидан унча катта эмас. Шундай бўлса ҳам илгари бу ерда бир неча майда коллектив хўжаликлар мавжуд эди. Улар иқтисодий жиҳатдан бирмунча заиф бўлганликлари сабабли қишлоқ қурилиши, жамоат бинолари барпо этилиши кенг кўламли олиб бориш қудратига эга эмас эдилар. Чунки, ана ўша кичик колхозларда ҳосилдорлик паст, таъминот йиллар талаб даражасида бўлмаган. Давлат томонидан берилган ўзоқ муддатли кредитлар билан ҳам қўлланган мақсадга эриша олмаганлар. Сабаби, хўжаликлар кўлга киритилган даромад колхозчиларга тақсимлаб бериш учун етиб-етмас, бу йилги қарз келгуси йилга қўлиб кетарди. Район партия ташкилоти мавжуд кичик хўжаликлар раҳбарлари, аъзолари билан масахатлашиб, яқин бўлиб ишлашни лозим топти. Бу кўнгилликка маъқул тушди. Халқимизда «бирланган ўзар» деган мақол бор. Биз ишнинг шу асосда олиб бориб, ана эндиликда ишрол қилиб турган ер-суви ўртча бўлса ҳам, қўлга киритаётган даромади пещидаги хўжаликлариникидан қолшимайдиган натижаларга эришмоқдамизки, бу коллектив хўжалик аъзоларининг яқин, фидойилари, катта мақсадининг яқин меҳнат қилаётганликлари яққол кўрсатади.

Албатта, хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли қилиш асосий ҳисобланган соҳанинг ривожлантириш билан қўлга киритилмайди. Барча тармоқларнинг равишда йил сайин юксалиб бориши зарур. Масалан, бизда пахтачилик етакчи тармоқ. Даромадининг кат-

90 ПРОЦЕНТ ПАХТА МАШИНАДА ТЕРИЛАДИ

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «МОСКВА» КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ ИСМОИЛ ШУБЛАДЗЕ ҚИҲОҚ ҚИЛАДИ

та қисми шу соҳадан келади. Агар пахтачилик йил сайин ривожланарсиз, чорвачилик, қаноччилик, сабаботчилик сарф-ҳаражати қўллаб-қўлламай сўст ўсса, ўз-ўзидан маълумки, колхоз иқтисодий жиҳатдан бир ерда тоқтаб тураверадди.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти ўзларининг иш фаолиятида ана шуларни тўла ҳисобга олган ҳолда тадбирий-чоралар кўрмоқдалар, ердан, техникадан, меҳнат ресурсларидан фойдаланишга шу мақсадга тўла бўйсундирмоқдалар.

Кичик хўжаликлар бирланган дастлабки йилларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 18—20 центнердан тўғри келар, баъзи соҳаларда бундан ҳам паст кўрсаткичга эришкларди. Шунга қараб даромад ҳам кам эди. Деҳқонларнинг ўз меҳнатларидан қўзлаган иқтисодий манфаатдорликлари уларнинг эҳтиёжини қондира олмади.

Биз даставвал ердан фойдаланиш савиясини ошириш учун курашдик. Ҳақиқатдан ҳам ер маданияти жуда пасайиб кетган эди. Ўша йилларда бегона ўтлар шунчалик кўп ўсар эдики, ғўза ва бошқа экинлар ҳар қанча чопиш, култивация қилинса ҳам яна ўсиб чиқарар, натижада меҳнат ҳаражати кўзланганидан иккинчи марта кўп сарфлашга мажбур бўлиларди. Демак маҳсулот таннархи юқори бўлар, колхозчи олинган керак бўлган даромад оё бўларди. Биз шунинг учун бегона ўтнинг таг-томири билан йўқотиш учун астойдил курашдик. Қўзғи шугдор вақтда, экиндан олдин боровадаш пайтда уларнинг илдизини териб ташладик.

Мен буларни шунинг учун батафсил айтиб бериш, ўтган йил гектаридан 40 центнердан пахта, 180 центнердан қўзғи ҳосили олинганига, деҳқончиликнинг бошқа соҳасини ҳам шу зайдга юксалтиришга бу тадбирларнинг амалга оширмай туриб эришиб бўлмасди. Эндиликда биз хўжаликнинг юқори поғонага кўтариш, қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини янада юксалтириш, катта кичик қурилишларни амалга ошириш имкониятига эга-кин ва биз бу имкониятдан тўла фойдаланаётимиз.

ҚИШЛОҒИМИЗНИНГ ҳозирги қиёфаси, албатта бу мақтаниш нўтағиналаридан эмас, қўйиб турган нарса, етти-саккиз йил олдинги қишлоқдан бутунлай ўзгариб кетган. Клуб, идора, мактаб ва магазинлар, янги тинда қурилган планли уйлар, болалар боғчалари, маънавий хизмат кўрсатиш корхоналари, буларнинг барчаси қишлоғимиз аҳолиси талаб-эҳтисоини тўла қондиришмоқда. Булар пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари комплекс ривожлана бошлаганидан кейин вужудга келаяётганлигини кўрган одамлар далада, фермада, боғлар ва полиларда



Суратда: ғўза култивацияси пайти.

яна ҳам зўр ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётганликлари, ютуғимизга ютуқ қўшилмоқда. Бир даража меҳнатимиз ўн даража бўлиб қайтмоқда.

Биз бултурги ишларимиз натижасидан хурсандимиз. Негани, деҳқончилик экинларидан юқори ҳосил олдик. Ерларнинг ҳосилдорлиги механизаторлар, мутахассисларнинг ҳормай толмай курашганликлари, ҳар ким ўз устасида фидойкорлик кўрсатаётганлигини, техникадан, минерал ўғит ва бошқа асбоб-ускуналардан оқилона, ишнинг кўгани билан фойдаланилаётганлигини кўрсатади. Бу ҳар бир киши ўз зиммасидagi масъулиятини тўла ҳис қилишини, кўпчилик ишга яъни колхоз ишига жон қўйиб муносабат да бўлаётганлигини билдиради.

Бизнинг шаронда гектаридан 40 центнердан пахта, 180 центнердан қўзғи, 120 центнердан картошка олиш ва бошқа экинлардан шу зайдга катта ҳосил кўтарилиши, очингити айтиш керак, юқори кўрсаткич. Мен бу билан энди чўққига чиқиб олдим, бундан ортқ юксак натижага эришиб бўлмайди демоқчи эмасман. Юқорида айтганимдек совет деҳқони ҳозир бундан ҳам баланд поғоналарни забт этиш қудратига эга. Биз ўн беш йилгизма йил илгари техника, ўғитга зориқиб, қийналоб иш олиб борган бўлсак, ҳозир бундай буюмлар хўжалигимизда етарли. Энди бизнингча ана шу мавжуд деҳқончилик қуролларидан, ҳар турли материаллардан ақилдор билан нарсани қанча кўп сарфлаш керак, қандай тадбирлар амалга оширилас, иш натижаси юқори бўлади, ана шулар тўғрисида чуқурроқ ўйлаш, режа билан иш юритиш зарур бўлиб қолди.

Масалан, биз бу йил гектаридан 42 центнердан ҳосил олмақчимиз. Бундай қараганда, ўтган йилгидан ҳосилдорлиқнинг гектарига икки центнердан оширилиши анча бўлиб кўриниши мумкин. Довонга чиқатган киши чуқурлиги ярмга боргунча катта-катта одим ташлайди. Кейин қадами бироз секинлашади, аммо иттиллишда давом этади. Биз ҳам ҳозир қоний ишонч билан юқорига иттилоқ-қамиз, қўзланган мақсадга эришиш учун яқин бўлиб курашмоқдамиз.

Агар мўл ҳосил етиштириш йўлида қилинган бу йилги ишимизни ўтган йилги режага ҳисобланган қиқ центнерлик хирмонга солиштирадиган бўлсак, очиқ айтиш мумкин, ғўзаларнинг ҳосил олиши, унинг кун сайин кўпайиши, пахтанинг эртаги бўлиб етилаётгани, зиммамиздаги социалистик мажбуриятни шараф билан бажарилишидан дарак бериб турибди.

Ўтган йилги план ўн етти иш кунинда адо этилди. Машина теримига ўн саккизинчи сентябрда тушилган ва даладарда ўн олтига «зангори нема» ишлатилган эди. Ҳосилнинг саксон икки процент техника ёрдамида териб олинган.

Бу йил йиғим-теримни қандай ўтказишимиз тўғрисидаги факт ва рақамларни, план ва режалар тўғрисида гапиришдан олдин, юксак мажбуриятни муваффақиятли адо этиш йўлида қандай ишлар қилинганлиги ҳақида қисқача гапириб ўйишга тўғри келади.

БУ йил барча майдонга чигит 90 сантиметр схемасида экилди. Ўтган йилги 108—Ф пахта нави ўстирилган бўлса, бу йил ҳамма далага «Тошкент—3» пахта чигити экилди. Чигит экин олти кунда адо этилди. Бу иш ўтган йилдаги қараганда ўн қўй илгари бажарилиди. Экин кун сайиди, деган деҳқон сўзининг маъноси шундан, чигит сифатли ишланган ерга экилса, бехато ўндириб олинса, унинг ҳамма парваршии белгиланган муддатларда сифатли ўтказилса, айниқса «Тошкент» нави сувга яхши қондирилса, ҳосил мўл бўлади.

БУ йил биз пахталарнинг 20 августларда очилишини кутмоқдамиз. Чунки дастлабки

қўсақлар ҳозирнинг ўзидек тўлишиб, кун сайин етимоқда. Шу нарса қувончлики, пахта фақат бизнинг колхозда эмас, умуман областимизда ҳам бирмунча эртаги.

БУ йил даладаримизда 18 та пахта терим машинаси ишлайди. Бултур улар 16 та эди. 1972 йилда ҳар бир машина билан ўртча 100 тоннадан пахта терилган бўлса, бу йил уларнинг иш умумини 120 тоннага етказмоқчимиз. Ўтган йилги ҳар бир машина билан кунига ўртча олти тоннадан пахта терилган эди. Бу йил бу миқдорни саккиз-тўққиз тоннага чиқармоқчимиз. Механик-ҳайдончилардан Муслим Тафиев, Тоштемир Маҳмудовлар ўтган йилги 120—150 тоннадан пахта терган бўлсалар, бу йил уларнинг мажбурияти 150—180 тонна.

Юқорида таъкидланганидек, бу йил пахта эртеги бўлиб етимоқда. Биз бунга дала ишларининг муддатларини қисқартирган ва ишнинг сифатли бажарилишини учун эришдик. Ҳосилдорлиқнинг ҳар тўп ғўзада муваффақият миқдори етказиш мақсадида июлнинг сўнгги ўн кунини, августнинг икки ўн кунини қўшиб, зарбдор ой эълон қилдик. Биз минерал ўғитни барча майдонларга 20 июлгача бериб бўлган эдик. Зарбдор ойда ғўза қатор ораларини солиш учун 1500 тонна маҳаллий ўғит ишлатилди. Уларни айрим ерларга шарбат ҳолида, тошлоқ даладарга кўл ва СУЗ билан сола-миз. Бултур ғўзаларни тўғри марта сугорган эдик. Бу йил беш-олти марта сугорамиз. Чеканкага йиғирмани июлда киришиб, уни беш кун давомида ўтказиб бўлидик. Бунинг натижаси жуда яхши бўлмоқда. Қўсақлар тўлимоқда, уларнинг сони ҳафта сайин кўпай-моқда. Биз бу йил чеканкани ғўзалар 18 шох чиқарганда бошладик. Ўтган йилги ўн олти шохли пайтда чеканка қилинган эди. Шунинг учун ҳам бу йил ҳар тўп ғўзадан қўсақнинг сони ўтган йилдагига қараганда икки-учтадан кўп.

Машина теримини муваффақиятли ўтказиш карталарини бу ишга сифатли тайёрлашга боғлиқ. Шу вақтга қадар машина теримидан олдин карта четларидаги ғўзалар ўриб олин-нар, машиналарнинг ёйлалиши учун жой тайёрланар эди. Биз бу йилдан бошлаб бундай қилмаймиз. Ўқариқлар, уватлар текис-ланиб, машина айланishi учун жой айлантилади. Шунинг ҳисобига ўн процент ҳосил сақ-лаб қолинади. Бу бизнинг колхоз шаронтида 150 тонна пахта демандир.

БУ йил биз барча ҳосилнинг 90 процентини машинада теришни муваффақиятланамиз. Бунинг учун хўжалигимизда барча тадбирлар қўриб қўйилди.

ЎТГАН йиллардагидек бу йил ҳам пахта йиғим-теримига тушугунча қадар хўжали-гимиздаги бошқа зарур ишларни бажариб қўйиб режаларини тўздик. 200 гектар ердан қанол ўримида 10 августда тушиб, уни пахта теримига тугаллаямиз. Сенаж бостириш 190 процент бажарилиди. Ҳар бир сизгара бу тўйимли озуқадан 6,5 тоннадан тайёрлан-ди. Дағал хашак жамғариш топиришни ҳам анча ошириб бажарилиди. Биз силос бости-ришга киришдик ва 1010 тонна силос бос-тиришнинг 10 августгача тугаллаямиз. Боғлар-даги, сабабот даладар ва полилардаги иш-ларимиз суръатини ҳам тезлаштирамиз ва уни йиғим-теримгача бажариб қўйялик.

КОЛХОЗИМИЗ аъзолари ғўза парваршиини қиёгин давом эттирмоқдалар. Механизатор-лар кенглиги 80 сантиметр даладарда култи-вацияни сифатли ўтказмоқдалар. Колхоз уст-ахонасидagi терим агрегатлари масумтага шайланган турибди. Гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган Исомил Алиев, Ҳолдибек Оролов, Тўрбек Бектоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилга ҳосил қилиш ойлги намунага ўтказилмоқда. Шу билан бирга улар йиғим-теримга ҳам пухта тайёр-гарлик кўрмоқдалар.

КОЛХОЗ правлениеси ва партия ташкилоти ғўза парваршиини 20 августгача давом этти-риш ҳамда йиғим-теримга тайёргарлик қилиш ишларини графигини тузиб чиқди. Кол-хоз инженери, агрономи, правление ва парт-бюро аъзолари турли соҳаларга бўлиниб, ғў-заларига топирилган вазифани бажаришга ки-ришдилар.

БЕШ йилликнинг ҳал қилувчи учинчи зарб-дор йили иккинчи ярми бошланди. Биз зарбдор йилнинг ҳар бир кунини зарбдор кун деб ҳисоблаймиз. Меҳнат натижаларимизнинг шунга яраша юқори бўлиши учун ҳар бири-миз астойдил меҳнат қиламиз, зиммамиздаги масъулиятли вазифани шараф билан бажари-ш учун курашамиз.

ҚИШЛОҒИМИЗдаги каттаю-кички, ҳаммамиз эътибори қўйлаб қишлоқ хўжалик маҳсулот-лари, айниқса гектаридан 42 центнердан ҳос-ил топиришдан улгўвор вазифани бажаришга қаратилган. Чирчиқ дарёси қирғоқла-рида ястаниб ётган ва меҳнатнаш кучи билан умумдор даладарга айлантирилган ерлардан қўзланган ҳосилни олиш, она-Ватанга совға этиш бизнинг аёл мақсадинимиз.

МАҚСАДИМИЗ—50 ЦЕНТНЕР

Деҳқон ҳаммаша мўл ҳосил, мол, деган гап бор. Шунинг учун етиштириш тўғрисида ўйлайди. Ҳақим отанинг юқори ҳосил етиш-тириш соҳасидаги кўп йиллик иш-натижалари биз учун катта сабоқ-борқ эришиш мумкин. Бултур биз бригадамизда 131 гектар май-донинг ҳар гектаридан 30 ўр-нига 35 центнердан пах-та оламиз деб астойдил меҳнат қилган, барча агротехника тадбирларини анг қулай муддат-ларда ўтказган эдик. Бу меҳнат-

ларимиз зое кетмади. Ҳосил кут-ганимиздан ҳам эъёда бўлди. Ҳар гектар ердан 37 центнердан «со-олтин» етиштиришга эришдик. Бу натижа бизни беҳад қувонтир-ди, кучимизга-куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Юқори ҳосил етиш-тиришга бўлган ҳавас ва иштиё-қимизни яна оширди. Ҳаранат қил-са бундан ҳам юқори ҳосил олар-еканмиз деган ишонч ҳосил қил-

дик. Шунинг учун бу йил ҳар гек-тар ердан 50 центнердан ҳосил етиштиришга деб бел боғладик. Бир мунча янги тадбирларни амал-га оширдик ва оширмоқдамиз.

Авалло, уватлар, эсини ариқлар, йўл ёқаларида бўш ётадиган жой-лар ҳайдалиб қарталарга қўшилди. Сўнгра барча майдонларга Тош-кент-3 нави чигит ташладик. Ҳос-ил кўчадан чиқибини назарга

олиб 70 гектар ерга торқаторлаб чигит экилди. Чигит барвақт эки-либ бир текис ундириб олинди. Ҳозиргача ғўза 4 марта озилан-тирилди. 2 марта сугорилди, қат-тор оралари култивациядан пещ-

ма-пеш чиқарилмоқда. Ўтдан то-заланди. Чопиқдан чиқарилиди.

Ўзани парвариш қилишда ме-ханизаторларимиз Маъмур Эрна-заров, Карим Абдуқодиров, Собир Имомовлар жонбозлик кўрсатмоқ-далар.

Айни кунларда ғўзани қондириб сугориш ҳал қилувчи аҳамиятга-эга. Ҳозир бутун диққат эътибо-рини шу ишга қаратилган.

Ўрта сув қўйилган жойларда ғўза нийжон бўлиб қолди. Ҳозир шу ерларга гўн ташиб шарбат оқизамиз. Умуман барча майдон-да ғўзаларга шарбат оқизаш учун тайёрлик қўраймиз. Сув

бошидаги чуқурларга гўн ташиб келтиришмоқда. Ишмизда баъзи камчиликлар ҳам бор. Масалан, 5-бўлимдан кел-ган мусобадошлар тракторларда иш органлари кам эканлигини шун-нингдек айрим кишилар сифатини ишлатганликлари кўрсатдилар. Биз улар кўрсатган камчиликлар-ни бригада аъзолари ўртасида му-ҳокама қилдик. Камчиликларни бартараф этиб ҳар тўп ғўзани сер-ҳосил қилиб ўстирмоқдамиз.

Обид ОТАЕВ,
1-«Пискент» совхозининг 2-бў-лим бригад бошлиғи.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

АНГРЕН СТАНЦИЯСИДА ТЕЛЕТАЙП

Ангрен станциясидан областнинг турли станциялари томон ҳар кун қўлаб турли хил юклар жўнатилади. Темпир-йўлчилар юборилган халқ ҳўжалик юкларидан барвақт хабардор бўлишлари керак, деган мақсадда яқинда Ангрен станциясида телетайп ўрнатилди. Энди Ангрен темпирйўлчилари Оҳангарон, Шўмилор, Ховос, Арис, Қизилқум каби станциялар билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаш имкониятига эга бўладилар.

Ангрен станциясида ташкил этилган махсус курсда Э. Халилова, Н. Кутилова, Д. Сергеева каби ходимлар телетайпни бошқариш иши билан пухта танишдирилди. Эндиликда улар телетайп орқали олис станцияларга юборилаётган юклар ҳақида тўла маълумот бера оладилар. Бу тадбир нағорлар оборотини тезлаштириш, юкларни тушириб олишга олдиндан пухта ҳозирлик қўриш имкониятини беради.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Шу кунларда қолхозчилар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар эртаювеч мўла ҳосил этиштириш ишқидоқдалар. Пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида област матбубот жамияти ходимлари ҳам жуда кўп тадбирларни амалда оширмоқдалар. Шу кунларда пахта дала-ларида ишлаётган қолхозчиларга 200 дан ортиқ сотувчи-сиз магазин, 180 дан ортиқ дала шўппонларида кўча дўконлар хизмат қилиб туради. Пахта йилги-теримигача уларнинг сони икки баравар қўлай-тирилади.

Қолхоз-совхозларнинг кутубхоналарига минг комплекта яқин қишлоқ ҳўжалигига оид кутубхоналар юборилди. Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Бўка ва Бўстонлиқ районларида ташкил этилган китоб магазинлари, китоб савдоси ходимлари пахтакорларга янги босмадан чиққан ҳар хил адабиётларни ва брошюраларни ўз вақтида етказиб бермоқдалар. Области-мизда ҳозир 80 дан ортиқ кўча автолавкалар ишлаб турирди. Бу автолавкалардан хари-дорлар истаган уй-рўзгор буюм-лари ва озиқ-овқат, саноат маҳсулотларини сотиб олишлари мумкин.

РАЙОНДА ШАҲАРЧА

Областимиз район марказлари янги тиндаги шаҳарчага айланиб бораётди. Кўни кеча Ўзбекистон шаҳарлар қури-лиш илмий-тадқиқот институ-тининг бир гурӯҳа инженерлари Янгиёул районуида янги шаҳарча қуриш лойиҳасини тамомилаштиди. Бу шаҳарча рай-онининг машина-синаш станция-сида барпо этилади. Шаҳар-чада жуда кўп турар-жой би-нолари, маданий-маиший ҳў-жалик кўрсатиш қўйилганлари қурилади. Район партия коми-тети ва район илҳона комитет-нининг бинолари қад кўтарди. 200 ўринли касалхона, бола-лар учун алоҳида даволаш пи-фозонаси, туғруқхона ва бош-қа жамоат бинолари бунёд этилади. Ҳар бири 240 ўрин-ли иккита болалар боғчаси ва ясли, илм масканиз бўлиши учта янги мактаб биноси қу-рилади. Қурилиш ишлари бош-ланиб кетди.

ТОШКЕНТЛИК ВЕЛОСИПЕДЧИЛАРИНИНГ МЕДАЛЛАРИ

Тула ва Киев шаҳарларида велосипед спорти бўйича грек-да ва шосседан ўтиш бўйича бу-тунитиёф мусобақалари бў-либ ўтди. Тулада грекда ўтказ-илган пойгада қатнашган тош-кентлик халқаро классдаги спорт мастери Александр Юдин ажойиб нувуфақиятга эришди. У ЦСКА командаси составида қатнашиб, 4 кило-метрга бўлган пойгада маро-га биринчи бўлиб келди ва олтин медал билан тақдирланди.

Киевда мамлакат шахсий команда биринчилигида «Спар-так» терма командаси составида қатнашган тошкентлик спорт мастери А. Маркелова ҳам олтин медал билан тақдирланди. Ҳамшаҳаримиз 62,5 кило-метрга масофага бўлган груп-па пойгасига 1 соат 38 минут, 54 секунд натижа қўйиб, марра-ни биринчи бўлиб кесиб ўтди. Команда пойгасида эса бронза медалига сазовор бўл-ди. А. Маркелова мамлакат терма командаси составида ил-рилади. Ҳамшаҳаримиз Евро-па чемпионатида қатнашади.

БАЙРОҚ ТУШИРИЛДИ


Бир неча кун давом этган Бутунитиёф ёшларнинг спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзе-бекистон командаси жами 1973 очко тўлаб, тўққизинчи ўрни-ни эгаллади. Республикамиз



ТОШКЕНТ ЦИРКИ ҚУРУЛИШИДА

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Тошкент цирки қурилиш тезлаштириб юборилди. Цирк қурувчилари зўр кўтариш билан меҳнат қилиб, ойлик квартал планларини доимо ортиги билан бақармоқдалар. Шу бонсдан улар йиллик планни мўддатидан анча илгари — ярим йилда шараф билан ба-жардилар. Бунёдкорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб йил охиригача планга қўшимча равишда бир ярим миллион сўзлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилдилар. Сиз ўшбу суратларда (юқоридан) цирк қурилишида фидокорона меҳнат қилиб, ҳалқасларига намуна бў-лаётган илгор элктр пайвандчилардан (чапдан ўнгга) С. Шихова, бригада бошлиғи В. Айда-шев ва Ю. Нестеренколарни кўриб турибсиз. Пастда эса бўлажак Тошкент циркининг маке-ти.

А. АБАЗОВ ФОТОСИ (ЎЗАТГ.)



КОЛХОЗДА ЗАВОД

ПИСКЕНТ. («Тошкент ҳақи-қати»нинг муҳбиридан). «Гул-сит» қолхозида асфальт заводи қурилиб ишга туширилди. За-вод ҳозирги замон техникаси билан қурилган, бир сменада 50 тонна иссиқ асфальт ишлаб чиқариш қувватига эгадир. За-вод қурилишига кетган сарф-ҳаражат бир мавсумнинг ўн-даёқ тўла қопланади.

Ҳозир қолхознинг йўла ва йўлқалари асфальт қилинмоқда. За-вод қўшни қолхоз ва совхоз-ларга ҳам хизмат кўрсатаётди.



КВАРТИРА МОЖАРОСИ

Хурматли «Чақмоқ»! Мен ўз қунадилик ҳаётида содир бўлган бир воқеа ҳақида сенига хат ёзиш-га аҳд қилдим. Илоҳи бўлса қў-йиб қадимки, қизилқумларга бу хатни я-йишди. Сўнгра илмий ишларим ривожга олиб, институтимиз ма-мурияти Обсерватория кўчасида-ги 16-уйдан бизга жой берди. Ян-ги жойда жанжалсиз яшаб турган эдим, кооперативдан олган уйи-нинг эгаси менга гувоҳликни қа-қириб қолди.

Ушма маҳалда кооператив уйига тўланган пай пулимини қайтариб олганим керак эди. Мен бу пулни олмай уйни наяд пулга қариндо-шимиз уйига онага пуллаб, про-пискадан ўчиб кетардим. Ажа-бо, орадан беш йил ўтгач, «Октя-брь» уй-й қурилиш кооперати-вининг раиси Ю. Мурадян туши-да кўрсатди, ё манбуур бўлганим менга муруват қилиб қўлимга 18 майда 581746 номерли чен ёзиб берди. Менда жон борми, дарров давлат банкининг «Октябрь» бў-лимидан ана шу ченда қўрсатилган 4723 сўм пулни олиб, чўнтакка ўрдим. Лекин, ун сарфлаш учун менда имконият йўқлигини қақ-дан билди.

Янги уйга қўчаётганда Назия Сафинадан айрим ремонт ишлари, ошхона ва ваннахонага ўрнати-лган қабелларни ҳам қўшиб ҳисоб-лаб, 6441 сўмни олиб кетган эдим. Кейинги чендаги олган пулни ҳам шунга қўйсам ҳаммаси 11169 сўмга етиб қолди. Бу жи-ноят энгилли ҳаёлимга Назия опа ректоримизга, ҳалқ судига шикоят қилганидан кейингина келди.

Ҳаммаси Назия опанинг ўғли Армилдан хизмат бурчини тутатиб келгандан бошланди. У ўғлини шу уйга прописка қилдиришқиб бўлиб, ЖКС раҳбарларига учрашган эди. Уни прописка қилишга қаршил-лик қўрсатиди. Назия опанинг ўғли Армилдан Тошкентда нима бор уйга, Хотини ва боласи билан бу уйга келгандан кўра армияда хиз-мат қилишни давом эттирареса бўлмасинди. Дарров келиб ишга ҳам жойлашиб олганини айтмай-сизми.

Назия опа ҳам «пул сарфлаб нидамда кетаварманми» деб ЖКС раҳбарларини ноҳақ, ўзини «ҳақ эналити ҳақида ақирим чиқариб беришни сураб судга ариза бериб-ди. Шу йўлдан 15 майда Чило-зор район ҳалқ судьяси Аҳмедов бу ишни қўриб, «Назия опанинг уйда ўтиришга ҳақи бор», деб ҳукм чиқарибди. Лекин бу коопе-ратив раҳбарларига ёқмай, ҳукмин бе-

УСТОЗ ИЗИДАН

Республикаимизнинг энг йирик олий ўқув юртиларидан бири Тош-кент политехника институтининг электропривод ва саноат қорхона-ларини автоматлаштириш кафе-драсининг лабораториясидими. Бу ерда ҳар хил қувватли моторлар, автоматика ёрдамда бошқари-лувчи турли мосламалар ўрнати-лган.

Амалий машғулот давом этапти. Студентларнинг диққат-эътибори тўғра қартилган. Ўрта бўйли, истариси иссиқ ёш олим электро-привод моторининг турли босим-ларида ишлаш қобилиятини тушу-нтираб, зарур пайда моторин ҳа-ракатга келтириб айтган далил-ларини амалда исботларди.

Ҳамроҳимиз, институт илмий иш-лар бўлимининг бошлиғи, техника фанлари кандидати, доцент Фа-тулла Раҳматович Исмаилов бизни таништирди.

Бу ёш педагог олим ҳурмат-ли доимия бўлган Музаффар Зоҳидзоновни Ҳомидзоновни шо-ғирди Орифжон Ҳошимовдир. Шу кафедранинг доценти, умидли ёш-ларимиздан.

Бу сўзларни эшитиб, автома-тлаштирилган электропривод со-ҳасидаги йирик мутахассис олим бўлган, техника фанлари доктори, академик М. З. Ҳомидзоновни эсладик. Улкан олим ана шу ла-бораторияга ва ўзи раҳбар бўлган Ўзбекистон Энергетика ва автома-тика илмий тадқиқот институ-тининг автоматлаштирилган электро-привод лабораториясига асос сол-ганлардан бири эди. У ўзининг бутун илми, ақл-заковотини ҳозир-ги замон электромеханикасининг ақтуал муаммоларидан бири бўл-ган ўзарувчан ток электропри-водларини вентилятор ўзгаришлар воситасида автоматик бошқариш масаласига бахш этганди.

Бу соҳада ўзи ва шоғирдлари билан ҳамкорликда фақат Итти-фоқимиздагина эмас, балки ҳори-жий мамлакатларда ҳам маълум

бўлган бир қатор монографиялар ёзди. Аниқ фанларга иштиёқи бўлган ишларни ўз бағрига олиб, уларнинг қалбиди бу фанга қизи-қиш уйғотди. Академикнинг ана шундай содиқ шоғирдларидан би-ри бўлган Орифжон Ҳошимов-нинг изланишлари бизни қизиқти-риб қолди.

Орифжон энергетика факультетини тасолаб, Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти автоматлашти-рилган электропривод лаборато-риясининг «Тошкенткабель» заво-дидаги тажриба участкасида иш-лаб бошлади. Бу ерда ўз лаборато-рия коллектив билан ҳамкорлик-да резинали электр кабелларни тайёрловчи узлуқсиз вулканиза-цияловчи агрегатнинг янги систе-

муддатидан бир йил олдин та-момилаб, профессор М. З. Ҳомид-зонов раҳбарлигида «Частотасига кўра бошқарилувчи асинхрон электроприводларнинг асиммет-рик режими» темасида кандидатик диссертацияни ёқлади.

1969 йилда М. З. Ҳомидзонов ва О. О. Ҳошимовларнинг «Частотасига кўра бошқарилувчи асинхрон электроприводларнинг назари-яси ва ҳисоблаш методлари» деган темада монографияси чоп этилди. 1971 йили Орифжон Одилов-ича ўз устози билан ҳамкорликда «Тезлиги ўзарувчан асинхрон электроприводнинг динамикаси» монографиясини ёзиб йиллар да-вомида олиб борилган узлуқсиз изланишларнинг натижаси бўлди. Польша Ҳалқ Республика олимла-ри илмий ишларида ҳам қад қилинди.

1970 йилги партия ва ҳукумати-миз институт олимларининг ме-хнатлари юксак тақдирланди. Ака-демик М. З. Ҳомидзонов ва унинг шоғирдлари С. З. Усмонов, Н. М. Усмонов, М. А. Хусанов, О. О. Ҳошимов ва К. Мўми-новлар томонидан бажарилган «Вентилятор преобразователлар манба бўлиб хизмат қилаётган, улар автоматик равишда бошқари-лган частотали созулувчи элект-роприводларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» иш учун Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилди.

Ёш олим бу юксак мукофотдан руҳланиб, илм чўқиқлари сари дадил одимламоқда. У етакчи ин-женер қадрларини тайёрлаш билан бирга ҳалқ ҳўжалиғи учун муҳим аҳамият касб этувчи илмий ишнинг давоми ўтирляпти.

Устоз изидан бориб, автома-тлашган электропривод соҳасини ривожлантиришда ўзининг муно-сиб ҳиссасини қўшаётган бу истеъод ағсига муваффақиятлар ар бўлсин.

ИЖОДИЙ МЕХНАТ ҚИШИЛАРИ

мадаги автоматлаштирилган элек-троприводларни ишга тушириш-да қатнашди. Бу эса ёш илмий ходимга қўрсатилган катта ишонч эди. За-вод ҳеҳида олиб борилган экспериментлар ва монтаж иш-лари ҳам илмий асосда давом эт-ди. Ҳе демай, неча ойлар давоми-да олиб борилган изланишларга якуни ясалди. За-вод мутахассисла-ри, лаборатория ходимлари ишти-рокида вулканизацияловчи агрегат муваффақиятли ишга туширилди. За-вод коллективни бу муҳим ишда қатнашган кишилар қатори Ори-фжон ҳам қизғин табриқланди. У биринчи ҳаёт синовидан шу за-лада ўтди.

Орифжон саноат қорхоналари-да ишлаб турган ҳар хил қувватли электропривод мотор тезлигини ўзгариштириш ва уларни автоматик ёрдамда бошқаришга тааллуқли илмий адабиёт ва қўлланмаларни тинмай ўқиди. тажрибалир олиб борди. 1968 йили аспирантура

И. ЮСУПОВ.

СТУДЕНТЛАР УЧУН

Кейинги йиллар қишда сту-дентлар шаҳарчасининг ирбфа-си таниб бўлмас дарайида ўз-гарди. Замонавий турар жой бинолари, маданий-маиший му-ассасалар бунёд этилди.

Бу ерда олиб борилаётган улан ишларни амалга оши-ришда 6-трест 32-қурилиш бошқармасининг инж коллек-тив катта ишларни амалга оширмоқда. Аини кунларда қу-рул политехника институ-тининг талабалари учун 4 қават-ли 600 ўринли ётоқхона қу-рилоқдалар. Мақсуд объект қу-рилишини сентябрь ойига ту-

галлаш мўлжалланмоқда. Шу бонсдан М. Янгйиёев, Р. Ша-липова, В. Садырмуров, А. Бо-динов ибди илгор қурувчилар нормаларини доимо эъдиас би-лан адо этимоқдалар.

Шу трестнинг 7-қурилиш бошқармаси эса механика фа-культети биносини қўлдан чи-қариш арасида турибди.

Виза бу бинони сентябрь ойида студентларга сонга қи-лиш учун бутун куч ва имко-ниятларини ишга солмоқдамиз, — дейди бригада бошлиғи М. Лебедев.

С. СУЛТОНОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

ВА Эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 19.35 — Кувонч пионер ёш. 19.05 — Кошнерт. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили. 20.30 — Шерият мухлисларига. 20.40 — Ахборот. 21.00. Алишер Навоий (спек-такль). 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Алишер Навоий (спектакльнинг давоми) ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Цирк программаси. 11.40 — Ўғилбола-гал (бадий фильм). 18.30 — МОС-КВА. 19.00 — Телеочерх. 19.30 — Қизил меҳмонхона (бадий фильм). 20.30 — Берлинда X Бу-тунахон ёшлари ва студентлар фестивали. 22.20 — Меҳнат ва-хасида (Тошкент). 22.30 — Кош-нерт. 23.45 — Берлинда X Ву-тунахон ёшлари ва студентлар фестивали. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент. Илгиларни 19.10 — Доктор Абстининг танги-балари (бадий фильм). 20.45 — Тошкент оперетта театри. 21.15 — Телеспектакль.

ТЕАТР

ХАНЗА НОМИДАГИ ЭЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 2/VI да Самаранд, 3/VI да Парона, 4/VI да Имон.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Ҳарбий йўл ворислари (10.30, 15.00, 19.30, 20.45, 22.30), Гайдуқ Ангел саргузашти (12.00, 16.30). — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛ-ЛИГИ».

Гроссмейстер — «ТОШКЕНТ СО-ВЕТНИНГ 50 ЙИЛИНИ» (куфут соатларда, кундуз ва кечқурун). Дача — «СПУТНИК» (куфут со-атларда), «НАНКА» (кундуз ва кечқурун).

Филм — менинг дўстларим (2 серия) — «КҲЧКА» (кундуз ва кечқурун). НАВОЙИ номли (10.40, 14.00, 17.20, 20.30).

Амелика ва нирол (2 серия) — ХАНЗА номли (кундуз ва кечқу-рун).

Танилганлар уйинлар — «КОМ-СОМОЛ 20 ЙИЛИНИ» (тоқ соат-ларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Килиманжаро қорлари — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Гайдуқ Ангел саргузашти (2 серия) — КИРОВ номли. Дача — «ФЕСТИВАЛЬ».

Муҳаммаджоннинг

вафот этганини мусобаботи билан чўнур таъзия изҳор қи-лади.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети нарийннинг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64633.

Р-04300